

**"Smart Water" технологияси жорий этилади**

Кишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил алиш учун сув ресурсларидан самарали фойдаланиши ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш зарур. 6-саҳифа ►

**Барака ёғилган далалар**

Деҳқонлар ўртасида "ғўза кун санайди", деган гап кўп бор тилга олинади. Дарҳақиқат ҳар қандай ғўза навининг қанча кунда ҳосил бериши бўйича аниқ муддатлар мавжуд.. 9-саҳифа ►

# Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2020-yil 24-sentabr, payshanba 48-49 (9085-9086)-sonlar

e-mail: info@qishloqhayoti.uz

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 75-СЕССИЯСИДАГИ НУТКИ

Муҳтарам Раис Вўлкан Бозкир жаноблари!  
Муҳтарам Бош котиб Антониу Гутерриши жа-  
nobлари!

Хурматли делегациялар раҳбарлари!  
Хонимлар ва жаноблар!

Бош Ассамблеяning етмиш бешинчи сессияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарихида биринчи марта бутунлай янги форматда – коронавирус пандемияси туфайли онлайн мулокот режимида бўлиб ўтмоқда.

Бундай глобал фалокат сайёрамизда сўнгти юз йилда кузатилмаган эди. Бу оғат бутун инсониятнинг заиф жиҳатларини яққол кўрсатди. Ҳозирги таҳликали ва мурakkab вазият ер юзидағи барча давлатлар ва ҳалқлар ўзаро боғлиқ эканини, ўртамида мунтазам мулокот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта мухимлигини исботлади.

Шу йўлда барчамиз хукуматлар, парламентлар ва фуқаролик жамиятларининг ўзаро савъ-ҳаракатларини бирлаштириш, умумий масъулият таомилларини мустаҳкамлаш, ҳалқаро шерикликни мувофиқ ҳолда ривожлантириш, Жаҳон соглиқни саклаш ташкилотининг макоми ва салоҳиятини ошириш, ваколатларини кенгайтириш лозимлигини чукур англадик.

Мақсадимиз – ҳар бир инсоннинг асосий хукуқ ва эркинликларини, саломатлиги ва фа-

ровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргалиқда яратишдир.

Бу борада биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги ҳалқаро кодексни ишлаб чиқиши тақлиф этамиз. Ушбу хужжатда ҳар бир давлатнинг ўз фуқаролари ва ҳалқаро ҳамкорлари олдидаги мажбуриятлари акс этиши лозим.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Биз Ўзбекистонда COVID-19 қайд этилган дастлабки кунлардан бошлаб барча саъ-ҳаракат ва ресурсларимизни бу хавфли касалликни жиловлаш ва энг асосийси – одамлар ҳаётини саклаб қолишига қаратдик.

Пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатиш учун ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни саклаш тизимлари кескин кучайтирилмоқда, ахолига, иқтисодиёт тармоқлари ва бизнесга манзилли кўмак кўрсатилмоқда. Шу мақсадда маҳсус жамғармалар тузилди.

Фурсатдан фойдаланиб, синовли дамларда бизга бегарас ёрдам кўрсатган барча дўст ва ҳамкорларимизга чукур миннатдорлик изҳор этаман.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
**ФАРМОНИ**

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИДА  
ИДЕНТИФИКАЦИЯ  
ID-КАРТАЛАРИНИ  
ЖОРӢӢ ЭТИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатимизда ахборот тизимини жадал ривожлантириш, ахолига давлат хизматларини кўрсатишида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, турли ахборот тизимларида ва масоғавий хизмат кўрсатишида шахсни идентификациялашнинг ягона механизмини жорӣ этиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини самарали таъминлаш мақсадида:

(Давоми 4-саҳифада)



**ФЕРМЕР АЁЛ:  
«ПАХТА ТЕРИШ  
МАШИНАСИДА ПАХТА  
ТЕРИШНИ ОРЗУ ҚИЛАРДИМ»**

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ҲАМ КИЧИК БИЗНЕС  
ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК, ФЕРМЕРЛИК  
СОҲАЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ  
ВА ИШТИРОКИ ОРТИБ БОРМОҚДА.**

(Давоми 5-саҳифада)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 75-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

(Боши 1-саҳифада)

Биз халқаро ҳамжамиятнинг пандемияга қарши самарали курашиш бўйича барча ҳаракатларини, жумладан, зарур дори-дармон ҳамда вакциналар ишлаб чиқиш ва улардан кенг фойдаланишга қаратилган ташаббусларини қўллаб-кувватлаймиз.

Шунингдек, Бош котиб Антониу Гутериши жанобларининг бугунги инқирозли вазиятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммоларига бағишинган саммитни ўtkазиш бўйича таклифини маъқуллаймиз.

Хурматли Бош Ассамблея сессияси иштирокчилари!

Бундан уч йил муқаддам мен Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олий минбаридан ўзбекистоннинг туб испоҳотларни амалга ошириш бўйича қарори қатъий эканини айтган эдим.

Жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг қўллами чора-тадбирларимиз натижасида янги Ўзбекистон шаклланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олди.

Ўтган йили Парламентга ўтказилган сайловлар аҳоли ва партияларнинг сиёсий фаоллиги, фуқаролик жамияти институтларининг роли, оммавий ахборот воситаларининг таъсири ошганини намойиш этди.

Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги Парламентимизда аёл депутатлар сони иккι баробарга кўпайди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат ҳам бутнлай ўзгарди. Мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тутатиди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чақириғига жавобан шу йилнинг ўзида 50 минг юртдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Мамлакатимизда диний эркинлик борасида ҳам вазият кескин яхшиланди. Миллатларро тутувлик ва динлараро бағрикенглигни янада мустаҳкамлаш биз учун доимий муҳим вазифадир.

Судларнинг чинакам мустақиллиги ва қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган кенг қамровли испоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.

Коррупцияга қарши муросасиз кураш янги босқичга кўтарилди. Бу борада муҳим қонун хужжатлари қабул қилиниб, мустақил тузилма – Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Мамлакатимизда иқтисодий испоҳотлар

жадал давом эттирилмоқда. Биз биринчи марта камбағалликни камайтириш ҳақидағи қатъий қароримизни очиқ эълон қилдик. Бунга тадбиркорликни ривожлантириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш, инвестиция ва бизнес муҳитини яхшилаш ҳамда замона-вий инфратузилмани барпо этиш, одамларни янги касб-хунарларга ўргатиш ва аҳолига мансизлли ижтимоий ёрдам кўрсатиш орқали эришмоқдамиз.

Мамлакатимиз аҳолисининг яримдан кўпини ёшлар ташкил этади. Республикаизда ҳар бир йигит-қизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаша ва ўз салоҳиятини намоён этиши учун улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда Ёшлар парламентлари, Ёшлар ишлари агентлиги фаолият кўрсатмоқда.

Август ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида ёшлар ҳуқуқларига бағишинган Самарқанд ҳалқаро форуми муваффақиятли ўтказилди.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-кувватлашга чақираман.

Бундан ташқари, Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг маҳсус резолюциясини қабул қилиниш тақлиф этамиз.

Хурматли дўстлар!

Хозирги вақтда Марказий Осиё миңтақасида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Биз миңтақа давлатлари ўртасида яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч, дўстлик ва хурмат муҳитини яратишга эришдик.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташабbusга асосан мунтазам ўтказилаёттан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари умумий ютуғимиз бўлди.

Охириг тўрт йилда Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан ўзаро савдо ҳажми салкам беш баробарга ўди.

Мамлакатларимиз ушбу синовли кунларда бир-бирини ёлғиз қолдирмасдан, ўзаро елкашош бўлдилар.

Бугун Марказий Осиё давлатлари олдида муҳим стратегик вазифа туриди. У ҳам бўлса, миңтақамизнинг глобал иқтисодий, транспорт ва транзит йўлакларига чукур интеграциясини таъминлашдир.

Шу муносабат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш миңтақавий марказини очишни тақлиф этамиз.

Бугунги кунда Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик олиб борилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал антитерор стратегияси муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Биз ушбу стратегия доирасидаги Минтақавий қўшма режанинг 10 йиллик натижалари ва келгуси истиқболларига бағишиланган ҳалқаро конференцияни ўтказиш тарафдоримиз.

Маълумки, минтақамизнинг кўхна ва бой маданий мероси глобал аҳамиятга эга. Биз 2021 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорлиқда қадимиј Хива шаҳрида “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” деган мавзуда ҳалқаро форумни ўтказишга тайёрмиз.

Хурматли сессия иштирокчилари!

Биз Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажralmas қисми сифатида қабул қиласиз. 2018 йил март ойида ўтказилган Афғонистон бўйича олий даражадаги Тошкент конференцияси афғон муаммосини ечиш учун ҳалқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини сафарбар этишда янги босқич бўлди.

Биз жорий йилнинг сентябрь ойида Доҳа шаҳрида афғон сиёсий кучлари ўртасида бошланган тинчлик музокараларини тўла қўллаб-кувватлашмиз. Бу музокаралар жафоқаш афғон заминида тинчлик ва барқарорлик ўрнатишига умид қиласиз.

Минтақада иқтисодий интеграция жараёнларига Афғонистонни кенг жалб этиш мақсадида “Сурхон – Пули Ҳумри” электр узатиш тармоғини, Мозори Шарифдан Ҳинд океани портларига чиқадиган темир йўл қурилиши каби йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга киришдик.

Фикримизча, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш масалалари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий эътибори марказида бўлиб қолиши зарур.

Фақат биргалиқда ва яқин ҳамкорлик орқали биз афғон ҳалқининг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқаришимиз мумкин. Бу борада “Беқарор ва вайронкор вазиятдан – тинчлик ва бунёдкорлик сари” деган тамойил асосида иш олиб бориш муҳимдир. Шу боисдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида афғон ҳалқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган кўмита ташкил этиш лозим. Ушбу кўмитанинг асосий вазифаси Афғонистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига кўмак беришдан иборат бўлиши зарур.

Хурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Давримизнинг ўтиқор муаммоларидан яна бири – глобал иқлим ўзгаришларирид. Бугунги кунда ҳар бир мамлакат бу жараённинг салбий

таъсирини ҳис этмоқда. Минг ағсуски, бундай ўзгаришлар Марказий Осиё тараққиётiga ҳам катта хавф туғдирмоқда.

Эътиборингизни яна бир бор Орол денгизи куришининг ҳалокатли оқибатларига қаратмоқчиман. Оролбўйи ҳудуди экологик фожианинг марказига айланди. Биз мавжуд аҳволни яхшилаш учун бу ерда икки миллион гектар янги ўсимлик майдонлари ва дараҳтзорлар яратиш, тупроқ қатламини шакллантириш бўйича улкан ишларни амалга оширмоқдамиз.

Мамлакатимиз ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фондиди тузилди. Умид қиласизки, ушбу фонд оғир экологик ҳудудда яшаётган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш учун халқаро ҳамжамиятнинг таянч платформаси бўйиб хизмат қиласди.

Биз Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг маҳсус резолюциясини қабул қилишини таклиф этамиз. Ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган санани эса Халқаро экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш куни сифатида нишонлаш мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Сўзимнинг якунида яна бир фикрни таъкидлашини истардим. Жаҳоннинг турли нуқталарида нотинчлик сақланиб қолаётгани, зиддият ва зўравонликлар ортиб бораётгани, экологик оғатлар ва бошқа замонавий хатарлар қашшоқлик ва камбағалликнинг глобал муаммоларини кучайтироқда.

Бу муаммолар айниқса пандемия шароитида кескин тус олмоқда. Тобора ташвишли оҳанг касб этажтан қашшоқликнинг овози бутун дунё ҳамжамиятини, барчамизни безовта қилиши зарур.

Шу муносабат билан қашшоқликни туттиш ва камбағалликка қарши курашишни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишиланган глобал саммитни ўтказишини тақлиф этамиз.

Қадрли дўстлар!

Барчамизга равшанки, пандемиядан кейинги дунёнинг ижтимоий-иқтисодий манзараси бутунлай бошқача тус олади.

Биз хавфсизлик ва барқарор тараққиёт ўйлидаги умумий хатарларга қарши янгича ёндашувлар асосида ва яқин ҳамкорликда ишлашимиз зарур.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мувофиқлаштиручи халқаро тузилма сифатида марказий ўрнини янада кучайтириш лозим.

Ўзбекистон жаҳоннинг барча мамлакатлари билан кенг кўламли ва ўзаро мангафатли шерикликни, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг институтлари билан амалий мулоқотни ривожлантириш учун доимо тайёр.

Эътиборингиз учун раҳмат.



## Фарғона ЮНЕСКОнинг аҳолиси энг ўқимишли шаҳарлар рўйхатига кирди

**Бугун Германиянинг Гамбург шаҳридан хушхабар олинди.  
ЮНЕСКО томонидан онлайн ташкил этилган сессиясида  
Ўзбекистондан ягона Фарғона шаҳри дунёнинг энг ўқимишли  
шаҳарлар рўйхатига киритилди. Шунингдек, Таълим  
шаҳарлари глобал тармоғига бундан ташқари  
26 мамлакатдан 54 янги аъзо ҳам қабул қилинди.**

Мазкур шаҳарлар узлуксиз таълимни маҳаллий даражада ривожлантириш мумкинлигининг ёрқин намунаси. Улар узлуксиз таълимнинг самарали сиёсати ва амалиёти инклузив, хавфсиз, сифатли ва барқарор шаҳарларнинг ривожланишини кўллаш-куватлаши ва ташкилотнинг 2030 йилга оид дастурига ўз ҳиссасини қўшиши мумкинлигини исботлади. Янги аъзолар ЮНЕСКО Таълим шаҳарлари глобал тармоғи таркибида мавжуд шаҳарлар умумий сонини 64 мамлакатда 230 тага етказмоқда.

ЮНЕСКОнинг Узлуксиз таълим институти (UIL) тармоқ мувофиқлаштиручиси сифатида тегиши мамлакатларда ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссиялар томонидан номзодлар берилгандан сўнг янги аъзоларни қабул қилди. Шаҳар ҳокими ва маъмуриятнинг узлуксиз таълимга оид қатъий мажбурияти таълим шаҳрига айланисининг асосий шартидир. ЮНЕСКО Таълим шаҳарлари глобал тармоғи потенциал аъзолари ариза бериши жараённида жамиятда барча учун узлуксиз таълим имкониятларини тақдим этиш бўйича аниқ тасаввурни намойиш этишлари керак. Янги қабул қилинган шаҳарлар ташкилот фаoliyatiда иштирок этишлари ва ўзларининг таълим шаҳарлари сифатида эришган ютуқларини акс эттирадиган икки йиллик ҳисоботни тайёрлашлари лозим.

Узлуксиз таълим институти директори Дэвид Ачоаренанинг сўзларига кўра, коронавирус пандемияси келажак учун янада барқарор таълим тизимларини яратиш зарурлигини кўрсатди.



Инсониятнинг ярмидан кўпи шаҳарларда яшагани сабабли, шаҳарлар бу ислоҳотларнинг марказида бўлиши лозим.

– Пандемия даврида дунёнинг турли мамлакатларидағи ЮНЕСКО таълим шаҳарлари оғир шароитда ҳам узлуксиз таълимни амалга оширишга муносаб эканини исботлади, – деди Дэвид Ачоарена. – ЮНЕСКО Таълим шаҳарлари глобал тармоғи янги аъзоларини кутлайман ва узлуксиз таълимни ҳамма учун таъминлаш мақсадимизни янада ривожлантириш йўлида улар билан ҳамкорликда ишлашни жуда истайман.

Дарҳақиқат, Фарғонада пандемия шароитида онлайн ўқувларни ташкил этиш, таълимни узлуксизлигини таъминлаш мақсадида "Китобхон ўқувчи", "Китобхон оила", "Китобхон талаба" каби танловлар ўтказилди. Уларда 500 мингдан ортик иштироқчи ўз билимини синовдан ўтказди. Вилоятда бундан икки йил олдин 5 та олий ўқув юрти бўлган бўлса, бугун уларнинг сони 11 тага етди. Бу омиллар ҳам Фарғонани аҳолиси энг ўқимишли шаҳар деб топилишида муҳим аҳамиятга эга.

**М.СУЛАЙМОНОВ,  
ЎЗА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИДЕНТИФИКАЦИЯ ID-КАРТАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮГРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар түгрисида"ги ПҚ-4079-сон қарори билан республиканинг мавжуд биометрик паспорт тизими инфратузилмаси негизида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти ўрнига 2021 йилдан бошлаб идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кенг жамоатчилик фикрларини ва илгор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллӣ марказининг кўйидаги таклифларига розилик берилсин:

иdентификация ID-карталарини олиш ва алмаштириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ўз ихтиёрига кўра хоҳлаган ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига, уларни алмаштириш учун эса давлат хизматлари марказларига ҳам мурожаат қилиши учун имкониятни яратиш;

идентификация ID-карталарини олиш учун Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзилдаги ички ишлар органининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмасига, алмаштириш учун эса ўз ихтиёрига кўра хоҳлаган ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига мурожаат қилиши учун имкониятни яратиш;

идентификация ID-картасининг бланкасида эгасининг милллати ҳақидаги маълумотлар кўрсатилмасдан ID-картанинг чипига киритилиши;

фуқаро ўз ID-картасини олиш ёки алмаштириш юзасидан ўз вақтида мурожаат қилмаган, яроқсиз ҳолга келтирган ва йўқотиб қўйган тақдирда, маъмурӣ жавобгарликка тортилмаслиги;

янги туғилган болага идентификация ID-карталари мажбурий берилмасдан, унинг туғилиши ФХД-Ёргани томонидан қайд этилиб, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома тақдим қилинганидан сўнг ота-онаси, васийлари (ҳомийлари) ихтиёрига кўра расмийлаштирилиши.

3. Шундай тартиб ўрнатилсин, унга кўра:

идентификация ID-карталари белгиланган хужжатлар қабул қилиб олингандан сўнг 1 иш куни мобайнида расмийлаштириб берилади;

идентификация ID-картасини расмийлаштириш учун мурожаат ўзгалар ёрдамига муҳтоҷ қариялар ва ногиронлиги бўлган шахслардан келиб тушганда масъул ходим томонидан 15 кун муддатда ушбу шахсларнинг яшаш манзизи

лига борган ҳолда идентификация ID-картаси расмийлаштирилади ва кўрсатилган хизмат учун қўшимча тўлов ундирилмайди.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID-картаси түгрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификация ID-картаси түгрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

5. Белгилаб қўйилсинк, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари биометрик паспортлари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс ва чет давлат фуқароларининг яшаш гувоҳномаларини идентификация ID-карталарига алмаштириш:

биринчى босқичда 2021 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача ихтиёрийлик асосида 16 ёшга тўлганда ҳамда қонунчиликда кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра;

иккинчى босқичда 2023 йил 1 январдан 2030 йил 31 декабргача мажбурий тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти 2031 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

6. Белгилансинк:

идентификация ID-картасини расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божи түгрисида"ги қонунида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими түгрисидаги Низом, амалдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти 2030 йил 31 декабргача ҳақиқийдир.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Адлия вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан бирга 2020 йил 31 декабрга қадар:

Ягона интерактив давлат хизматлари портала идентификация ID-картасини олиш учун мурожаат қилиш, электрон навбатга туриш ва онлайн тўловни амалга ошириш имконияти жорий этилишини;

идентификация ID-картасини олиш учун мурожаат этилганда туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг ягона электрон архиви" ахборот тизими орқали олинишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

а) 2020 йил 31 декабрга қадар:

Фуқаролар давлат хизматларини олиш юзасидан мурожаат қилганда ва идоралараро ўзаро электрон ҳамкорликни ташкил қилишда дастурй платформалардан кенг фойдаланган ҳолда идентификация ID-картасидан фойдаланиш имкониятини амалга ошириш учун зарур бўлган имкониятларни табтиқ этиш орқали "Электрон ҳукумат" тизимини модернизация қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда фуқаролар давлат идоралари ва ташкилотларига мурожаат қилганда идентификация ID-картасидан фойдаланиши таъминлаш учун зарур бўлган техник ва технологик шароитлар ўрганилишини ҳамда жорий этилишини ташкиллаштирилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Адлия вазирлиги билан биргалиқда 2022 йил 31 декабрга қадар идентификация ID-картасидан фойдаланишда ҳалқаро тажрибани ўрганиб, унинг асосида "Электрон ҳукумат" тизимининг давлат ва аҳоли ўртасидаги ўзаро муносабатлари бўйича қўшимча электрон шакларини ишлаб чиқиб, такомиллаштиришни ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда:

бир ой муддатда идентификация ID-карталарини Ўзбекистон Республикасида жорий қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни назарда тутивчи Концепция ва уни амалга ошириш "Йўл ҳаритаси" лойиҳаларини;

икки ой муддатда қонун хужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар түгрисида таклифларни Вазирлар Махкамасига киритсан.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллӣ ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллӣ телерадиокомпанияси, Ички ишлар вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргалиқда оммавий ахборот восита-ларида Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини аҳоли орасида кенг ёритилишини таъминласин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 22 сентябрь

**Ш.МИРЗИЁЕВ**

# ЎЗБЕК ТИЛИ – МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИК ТИМСОЛИ

**ТИРИКЛИК УЧУН ТОЗА ҲАВО БИЛАН ҚҮЁШ НУРИ, ИОН ВА СУВ ҚАНЧАЛИК ҲЁТИЙ ЗАРУРАТ БЎЛСА, МИЛЛАТИНИГ  
ЯШАШИ ВА РАВНАҚ ТОПИШНИ ҲАМ ОНА ТИЛИСИЗ ТАСАВВУР ЭТИБ БЎЛМАЙДИ.**

Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партияси Тошкент вилояти кенгаси ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганига 31 йил тўлиши муносабати билан “Қадринг баланд бўлсин, она тилим” мавзусида онлайн конференция ўтказилди.

Унда партия сиёсий кенгаси аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси, Вазирлар Маҳкамасининг давлат тилини ривожлантириш департаменти, “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока” журналлари, Республика Мъянавият ва маърифат маркази Тошкент шаҳар Сергели тумани бўлими, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти профессор-ўқитувчилари ва масъул раҳбар ходимлари, партия фоллари, оммавий аҳборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад – ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуғузини ошириш ва миллий қадрият даражасида тарғиб қилиш, тилимизнинг ҳалқаро мавқеини мустаҳкамлаш, давлат тилига оид муаммоларни ҳал этишда ижодий ёндашувни янада та-комилластиришдан иборатdir.

Тадбирда Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партияси сиёсий кенгаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон Ёзувчи-лар уюшмаси аъзоси Абдукамол Раҳмонов сўзга чишиб, дунёдаги қадимий ва бой тиллардан биро бўлган ўзбек тили ҳалқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо мъянавий бойлик, буюқ қадрият

еканлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдири.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида она тилимизни том маънода давлат тилига айлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, ўзбек тилида иш юритиш, хужоатлар тайёрлаш бўйича кўлланмалар яратили. Мутахассислар томонидан илм-фан ва турли соҳаларга оид энциклопедия ҳамда луғатлар, ўкув кўлланмалар нашр этилди.

Давлатимиз томонидан маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш, жумладан, таълим-тарбия ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларни ривоҷлантириш, китобхонлик маданиятини ошириш бўйича қабул қилинганд ўнлаб фармон ва қарорлар ўзбек тили равнақига бевосита хизмат қилмоқда.

Утраувуда Вазирлар Маҳкамасининг давлат тилини ривожлантириш департаменти бош мутахассиси Рустам Турсунов сўзга чишиб, давлат органлари ва ташкилотлари, жумладан, маҳаллий икро этувчи ҳокимият органларининг давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун хујоатларига риоя этилиши устидан назоратни ташкил қилиш бўйича фаoliyati мувофиқластириш, давлат тили мавқеини

янада оширишга тўсик бўлаётган қатор долзарб муаммоларга ҳам тўхталиб ўтди.

Тадбирда 5 жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳи лугати” китоби ҳамда “Давлат тилида иш юритиш” кўлланмасининг тақдимоти ҳам ўтказилди.

Мутахассис ҳамда тадбир иштирокчилари томонидан мустақиллик йилларида ўзбек тили нуғузини ошириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишининг 31 йиллиги муносабати билан олиб борилаётган ҳамкорликдаги ишлар, шунингдек, юқорида номлари келтирилган китоб ва кўлланмаларнинг буғунги кундаги аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдilar.

Конференцияда кўтарилиган мавзуу кўп қиррал, залворли, ўта масъулияти масаласи хисобланади. Табиийки, уни бир сухбат доирасидан тўла камраб олиш имкониси. Буғун иштирокчилар томонидан мавзуга оид айрим жиҳатларигина тилга олинди. Давлат тили, унинг нуғузини оширишга бағишиланган тадбирлар, давра сухбатлари давом этади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, давлат тили масаласи буғунги куннинг энг муҳим ва энг эзгу ишларидан биро бўлди. Чунки миллый тил – миллий дид, миллий тафаккур, миллий савииянинг асоси ва магзи. Ўз тили учун қайтураётган миллат дунё ҳалқлари сафида ўз ўрнини, чинакам мустакиллигини асрарша, ҳимоя қилишига аҳд қилаётган милллат саналади. Умид қиласизи, бу борада кўрсатадиган саъй-ҳаракатларимиз келажак авлодлар томонидан фахрланишга аргизулик натижалар беради.

Очил ҲАЗРATOV,  
ЎЗА мухбири.



**ФЕРМЕР АЕЛ:  
“ПАХТА ТЕРИШ  
МАШИНАСИДА  
ПАХТА ТЕРИШНИ  
ОРЗУ ҚИЛАРДИМ”**

(Боши 1-саҳифада)

Сайхунобод туманида деҳкончилик қилиб ҳалқ орасида хурмат ва эътиборга саъовор бўлган Шоирахон Шаматова тинчимас фермерлардан бири.

“Олимжон қизи Шоирахон” фермер ҳўжалиги ташкил этилганига уч йил бўлди. Ҳўжалиқда 20 киши меҳнат қилиади. Буғун ушбу фермер ҳўжалиги тасарруфидан 122 гектар ер майдони мавжуд бўлиб, жорий мавсумда 100 гектарлик ғалладан мўл ҳосил этишиди. Ҳўжалик ерингон қолган 22 гектарида esa этишитирган пахтаси қийғос очилган.

Энг зарур техникапарга эга бўлмаган фермер бирордан бигиз сўраб ишлаётган этикдўзининг ўзинаси. Шоирахон эришаётган мубаффакиятларда ҳўжалигини техникалар билан бойитиб бораётгани муҳим аҳамияти касб этаётir. Қаҳрамонимиз бу йилги пахта-йигим терими арафасида, 1 миллиард 275 миллион 350 минг сўм ўн йиллик муддатга 15 фоизлик кредит олиб, “TZST CE-220” русумли пахта териш машинасини сотиб олди. Эътиборлиси ушбу терим агрегатини ўзи бошқармоқда.

– Пахта теримида четдан комбайн ёллаб, ҳар йили бир неча миллион сўмгача ҳаражат қиласар эдик, – дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Ш.Шаматова. – Энди ўша пуллар ёнимизга қоладиган бўлди. Бу орада терим мавсумида кўншиларга кўмаклашиб, қўшимча пул ҳам ишлаб оламиз.

Маблаг қанча кўпаймасин Шоирахон ўзи учун данғиллама уй қуриш, кўримлироқ енгил автомашина сотиб олиш, ҳатто ялтири-юлтири кийиниши ҳаёлига ҳам келтиримайди. Қаҷон қараманг, биз далага борганимизда кўрганимиздек, оёғида этик, одими кийимда юради. Топганини ҳўжаликини тикилашига, янги техникалар олишга, фермер ҳўжалигида меҳнат қилаётган ишчиларнинг моддий аҳволини ўнглаб боришга, қўшимча тарзда рағбатлантириб туришга сарфлайди.

– Бир пайтлари пахта терим машинасини бошқарган Турсуной Охуновага ҳавас қиласар эдим, – дейди Шоирахон Шаматова. – Ҳавас қилган етар муродга деганларидек, буғунги кунда ўзимнинг янги замонавий техникам билан пахтамни завқ-шавқ билан термоқдаман.

Бошидаги рўмилга пахта чаноги қистириб олиб, терим машинасини моҳирлик билан бошқарётган бу аёл сиймосида буғунги замонамиз қаҳрамонини яққол кўргандек бўлди.

Абдужалол ҚАЮМОВ,  
ЎЗА мухбири.

## Бухоро вилояти

### ЁШЛАРНИ САНЪАТГА ОШНО ЭТИБ



Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги Бухоро вилоят ихтисосластирилган санъат мактаб-интернатида 400 нафар ўғил-қиз тасвирий ва амалий санъат, доира, фортельяно, рубоб каби йўналишларда маҳоратини оширимоқда.

Санъат даргоҳида 160 нафар ўқитувчи меҳнат қилиади. Улардан биро – Мадина Аҳмедова ўзининг педагогик маҳорати билан ўқитувчи ўқувчилар эътиборига саъовор бўлган муаллималардан. У бир неча йилдан бўён ёшларга тасвирий санъат ва ҳайкаларошлик сир-асрорларини ўргатиб келмоқда.

– Санъат – ҳаёт гўзаллигини тасвирилаб берувчи бир воситадир, – дейди Мадина Аҳмедова. – Бирор бир санъат асари устида иш олиб бориш жараёнида ўқувчиларга унинг тарихини ҳам ўргатиб бораман. Ютига даҳлдор тарих, маданият ва санъатдан боҳабар инсоннинг қалби доим гўзл бўлади, яхши амалларни бажаришга ошиқади.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

**Жиззах вилояти**

Қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш учун сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш зарур. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб ҳисобланган ҳозирги шароитда ушбу чора-тадбирларни комплекс амалга ошириш талаб этилмоқда.

# “Smart Water” ТЕХНОЛОГИЯСИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Сўнгти уч йил мобайнида ирригацияни ривожлантириш ва сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурлари доирасида Жиззах вилоятида 66 километр канал, 76,2 километр лоток тармоқлари, 11 та гидротехник иншоот, 263 километр коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда бошка сув хўжалиги обьектлари қурилди ва реконструкция килинди.

**Н**атижада 37,3 минг гектардан ортик сугориладиган ерларнинг сув таъминоти яхшиланди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 32 минг гектарга камайди, сизот сувлар сатки ер юзасига яқин жойлашган майдонлар 7 минг гектарга қисқарди, 124,5 минг гектардан ортик майдоннинг мелиоратив ҳолатини барқарор саклашга эришилди. Шунга қарамасдан, вилоядада 26,8 минг гектар сугориладиган ерларнинг сув таъминоти паст даражада қолмоқда, 48,3 минг гектар сугориладиган майдонлар ўртача ва кучли шўрланган.

Ирригация бўйича жами 5 минг 124,7 километр, шундан 650,6 километр сув хўжалиги ташкилотлари ва 4 минг 474,1 километр узунликдаги сугориш тармоқлари сув истеъмолчилари уюшмалари ҳисобида мавжуд. Бугунги кунда мазкур сугориш тармоқларининг 2 минг 198,6 километри қониқарсиз ахволга келиб қолган.

“Сардоба” сув омборида кузатилган жиддий техноген ҳолат туфайли Арнасой, Дўстлик ва Мирзачон туманларни сув билан таъминлайдиган Марказий чап тармоқ ва Марказий ўнг тармоқ каналлари жиддий талафот кўрди. Натижада жорий йилда вилоятда йиллик лимитга нисбатан 327 миллион куб метр сув етишмаслиги кузатилди. Натижада вилоят бўйича ахолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида, 2019 йилда 73 минг 465 гектар майдондан такорири экинлар етиширилган бўлса, жорий йилда 38 минг 868 гектар майдондан, ёки ўтган йилга нисбатан 47 физоз кам экилди. Бу 35 минг гектар кам экин экилиши ҳисобига 70 миллиард сўмга яқин даромад йўқотилиди деганидид.

Жаҳон миқёсида кузатилаётган иктиносий инкизот бўлишига қарамасдан давлатимиз раҳбари “Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиши ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўймайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ға қарордаги имзо чекидлар.

– Мазкур қарор билан 2020-2023 йиллар давомида жами 782 миллиард 716 миллион сўм маблаглар йўналтирилади, – дейди Сирдарё Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошкармаси бошлиғи Шуҳрат Жўраев. – Республика бюджетидан ажратилган 747 миллиард 430 мил-



лион сўм маблагфа 80 та ирригация йўналишидаги лойиҳалар амалга оширилади. 125,7 километр каналлар, 155 километр узунликдаги лоток тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш натижасида 263,4 минг гектар майдонларнинг сув таъминоти яхшиланади. 104 та мелиорация обьектлари лойиҳалари доирасида 222,4 миллиард сўм маблаг ҳисобига 380 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш 4 минг 801 км узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш ҳисобига 72,9 минг гектар майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиси, барқарорлиги таъминланади. Маҳаллий бюджетдан ажратиладиган 16 миллиард 147 миллион сўм маблаглар ҳисобига 650,6 километрглик хўжаликларро каналлар, 1671 дона гидротехник иншоотлар, 289 дона насос агрегатлари, 66 дона сугориш кудукларини таъмирлаш-тиклаш тадбирлари амалга оширилади. Ажратилаётган маблаглардан оқилона фойдаланиши эвазига, сув ресурсларини тежаб-тергарб сарфлаш мақсадида, 2021 йилнинг ўзида жами 38,8 минг гектар, шундан 27,7 минг гектар пахта ва 11,1 минг гектар бошка экин майдонларни томчилатиб сугориш технологияларига ўтказамиш. Бир гектар майдонга сувни насослар орқали етказиб бериш учун бюджетдан ўртача 800 минг сўм харажат килинганти. Этатлаб сугориш оқибатида йилига қарийб 5-6 миллиард куб метро

ёки 20 физоз сув далада беҳуда сарфланмоқда. Анъанавий усуслада 1 гектар майдонга сарфланадиган сув миқдори ўртача 11,6 минг куб метрни ташкил қиласи. Сувни тежайдиган сугориш технологияларини жорий этиш ҳисобига 1 гектар майдонга 7 минг куб метр сув сарфланади, натижада ҳар йили ўртача 105 миллион куб метр сув тежалади ва 26,4 минг гектар такорири ва бошка экинларни сугоришга йўналтирилади, шунингдек, экинлар хосилдорлиги 10-20 центнерга ортади. Вилоятимизда жами 61 та сугориш, 25 та вертикал дренаж ва 2 минг 248 та мелиоратив назорат кудуклари, шунингдек, 85 та мелиоратив гидропостлар мавжуд бўлиб, уларда сувнинг назорати ва ҳисоб-китоби анъанавий усусларда олиб борилмоқда. Барча ирригация тизими объектларига “Smart Water” (“Аклии сув”) сув ўлчаш ва назорат қилиш қурилмалари ўрнатилиб, сув ҳисобини юритища рақами технологиялар жорий этилади,

2023 йилгача 2 минг 419 та сугориш ва дренаж кудуклари ва мелиоратив объектларга рақами курилмалар ўрнатилиб, сув ва электроэнергия сарфини онлайн режимда назорат қилиш йўлга кўйилади. Натижада, ресурслар ироғарчилиги камайиб, ҳар йили 200-210 минг кВт электроэнергия иқтисод қилинади. Бугунги кунда экинларни сугориша тупроқ намлик даражаси, ўсимлик ривожланиш фазаси инобатта олинмай сугориш ишлари сифатли бажаипмаяти

ҳамда сувнинг ҳисоби юритилмаяти. Натижада, сув ироғарчиларига йўл кўйилмоқда. Шу боис, соҳанинг мавжуд муаммоларини ва реал эҳтиёжларини ҳамда ҳудудий муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга оширишга эътибор қаратилади. 2020/2021 ўкуй йилда Тошкент ирригация ва кишлек хўжалигини механизациялаш мухандислари институтининг 3-4 курс талабалари учун ёзги малакавий-ишлаб чиқариш амалияти Жиззах ва Сирдарё вилоятларида янги тартибида ташкил этилади.

2021 йилдан бошлаб устувор лойиҳаларни танланади ва амалга оширища сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, геология, ер тузиши, лойиҳа ташкилотлари мутахассислари, мустакил эксперлар, манфатдор фермер ва кластерлар вакиллари ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари билан биргалиқда ҳар бир ҳудуднинг сув таъминоти, ерларнинг мелиоратив ҳолати ва бошка муаммоларини таҳлил қилган ҳолда ҳар бир лойиҳа бўйича таклифлар шакллантирилади ва вилоят, туман ҳалқ депутатлари Кенгашларига тақдим этилиши кўзда тутилган. Лойиҳалар Кенгашларда муҳокама қилинib ва маъкуллангандан сўнг белгиланган тартибида амалга оширилади. Устувор лойиҳалар ҳалқ депутатлари туман Кенгашларидан муҳокама қилинади ва партия гурухлари томонидан назорат қилиб борилади. Лойиҳаларни амалга ошириш доирасида зарур асбоб-ускуна, хомашё, бутловчи буюмлар ҳамда қурилиш материалларини маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан ҳарид қилиш ҳисобига объектларнинг қўйматини мақбуллаштиришдан ажратилётган маблаглар тежалади. Давлат дастурига киритилган ҳар бир объектнинг лойиҳа-смета ҳуҗжатлари давлат экспертизасидан ижобий хулоса олингандан сўнг, буюктмаши ва лойиҳачи томонидан ҳалқ депутатлари Кенгашларига тақдимот қилинади. Давлат дастурига киритилган ҳар бир лойиҳа соҳа мутахассислари томонидан чуқур ўрганилигий, устуворлик давражасига қараб йилларга тақсиланган.

Сирасини айтганда, ушбу қарор вилоятдаги сугориладиган ер майдонларини сув билан ишончли таъминлаш, сувни тежайдиган сугориш технологияларини кенг жорий қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда илм-фан янгиликларини ишлаб чиқаришига кенг жорий этиш орқали мазкур ҳудудларда хосилдорликни ошириш ва ахоли фаронвонлигини юксалтиришга хизмат қиласи.

Турғун ЎРОҚБОЕВ,  
журналист.

Куий палатанинг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзолари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси раҳбари Иброҳим Эргашевнинг "Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги қонуни ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 марта "Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги қарорининг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ахборотини эшилди.



Таъкидланганидек, мамлакатимизда карантиндаги зарарли организмлар Ўзбекистон ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишина таъминлаш, ўсимлик ва мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантириш учун қуай шартшароитлар яратиш борасида изчил чоратадбирлар амалга оширилмоқда.

Ахборотда қайд этилишича, жорий ийлиниг 8 ойи давомида Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан жами 4,8 миллион м<sup>3</sup> зарарлизлантириш ҳамда 5,7 миллион м<sup>2</sup> ҳажмда нам ишлов бориш ишлари олиб борилган. Шунингдек, хорижий мамлакатлардан юртимизга урув ва ўсимликтарнинг кўчатларини олиб келишида карантин рухсатномаси 19 минг 211 донаси импорт учун ва 1 минг 670 донаси транзит учун расмийлаштирилган. Давлатимизга хориждан жами 2,4 миллион тонна юклар олиб келиниб, карантин норозатидан ўтказилган.

Юртимиздан чет мамлакатларга экспорт қилинган карантин остигада юклар жами 1,4 миллион тоннани ташкил қилиб, экспорт қилинган юкларга 114,1 минг дона халқаро жаҳон андозаларидаги фитосанитар сертификатлари берилган. Шу билан бирга, Республика бўйича жами 67 минг 405 дона ички фитосанитар сертификати белгиланган тартибида расмийлаштириб берилди.

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси раҳбари ички ва ташки фитосанитар норозатини амалга оширишдаги мавжуд муаммоларга ҳам тўхталиб ўтди.

— Фитосанитар дала назоратини амалга ошириш фақат текшириш орқали амалга оширилиши ўсимликлар карантини давлат инспекторлари фаолиятида қийинчилик тудириб, шошилнич чоралар кўрилишига тўксинлик қўлмоқда, — деди Иброҳим Эргашев. — Кейинги муаммо Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган жарима миқдорларининг камлиги жисмоний ва юридик шахслар томонидан ушбу ҳукукузарликларнинг кайта-қайта содир этилишига ҳамда мазкур ҳукукузарликлар сочининг ортишига сабаб бўлмоқда.

4 миллион гектар ер майдонида дала назоратини ўтказишмиз лозим эди. Лекин пандемия ва бошқа турилаб сабаблар билан назоратининг мониторинг тўлиқ ўтказилмади. Инспекторлар тўғридан-тўғри дала назоратини ўрнатишида чеклоплар мавжуд.

Ҳозирги тадобба заарланган организмлар жуда кўйлаб кетди. Маҳсулотларнинг экспортболлиги тушиб бормоқда. Заарканундада қарши курашиш тўғри белгиланмаганлиги натижасида хосилдорлик кўрсаткич тушган. 2020 йилнинг ўтган 8 ойда маҳсулотларимиз экспорта чиқарилганда кўплаб давлатлардан эътироҳлар келди. Хорижий давлатларга экспорт қилинган мева-сабзавот маҳсулотлари импортёр давлатлар фитосанитария талабларига мувофиқлигини таъминлашда юзага келаётган муаммолар оқибатида жами 2019 йилда 77 та тоғификация келган булса, 2020 йилда бу кўрсаткич 112 танни ташкил этди.

Агарда маҳсус гувоҳномаси бўлмаса Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари дала назоратини ўтаказа олмайди. Бу сафар 30 фойзи инспектор аккредитациядан ўта олмади. Чунки са-

воллар жуда мураккаб тузилган. Ўша саволларга айрим юристлар ҳам жавоб беролмаяти. Инспекторлар Тошкент давлат аграр университетининг карантин, ўсимликларни химоя килиш йўналишларини тамомлаган. Уларга соҳага оид саволлар бериш керак. Аккредитациядан ўтолмаган инспекторларга маҳсус гувоҳнома берилмайди, улар дала назоратини ўтказиши мумкин эмас. Уларни ишдан бўшатишига ҳаққим йўқ. Ўша инспекторлар б 6 ой давомида маош олади, лекин ишламайди. Қайсида ҳудудда инспектор ишламаслиги оқибатида муаммолар келиб чикмоқда. Инспекторларни Бизнес-омбудсман томонидан ҳар ойда ўқитиш керак. Бунинг устига ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг ўткача маош 1 миллион 800 минг сўмдан 2 миллион сўмгача. Бу жуда кам. Чунки улар иш фаолиятида бир неча юз километр масофа босиб ўтиб дала назоратини ўтказишига тўғри келади.

Ўзбекистоннинг битта маҳсулотини хорижга экспорт килиш учун бир неча ой, катто йиллаб музокара килишга тўғри келади. Инспекция томонидан 19 та ноананавий давлатга 78 турдаги маҳсулотни экспорт килишга эришилди. Улар биздан боғларнинг қадоқлаш цехларининг рўйхатини сўрашмоқда. Ўсимликлар карантини давлат инспектори камида уч марта ўша боғга бориб дала назоратини амалга оширганлигини тасдиқловчи долапотномани ҳам талаб килишиади. Қандай ҳашорат чиқди, унга қарши қандай дори сепиди, натижаси қандай бўйди ҳаммасининг ҳисоботи сўралади. Афсуски, Жанубий Корея юртимизда этиширилган қовунни 4 йилдан бўён ўз ҳудудига киритмаяти. Қовунга тушадиган ҳашорат Республиканинг қайси ҳудудларида бор, бизга

харитасини беринглар деяпти. Ўнга қарши курашишда кўрилган чоралар бўйича ҳисобот сўрашяпти. Қовунни ҳашоратиз тоза ҳудуддан юборганимизни ислобат берисимизни талаб қилишади.

Эшиутуда депутатлар соҳада эришилган ютуқлар билан бирга тизимда учраётган муаммоларга ҳам эътибор қардат. Ҳусусан, ҳалқ вакиллари таъкидлаганидек, маҳсулотларни етишириша заруркунанда ва касалликларга қарши сифатсиз кураш олиб борилаётгани, дала ва боғларга агроном мутахассисларнинг жалб қилинмётгани, маҳсулотларни экспорт қилишади маҳсус саралаб колибрлаш, қадоқлаш ва маркировкалаш технологияларидан ўтмаганлиги, ҳали-ҳануз эскича тизимда, яни заарланган ётч яшикларга юклаб тўғридан-тўғри экспортга юборилиши эътиrozларга сабаб бўлмоқда.

Тадбирда Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси раҳбари соҳада учраётган муаммоларнинг олдини олишда олиб борилаётган ишлар бўйича ҳам маълумотлар берди.

Депутатлар тизимда кўрсатилётган хизматларнинг сифатини ошириш мақсадида хорижий давлатларнинг соҳадаги тажрибасини юртимизнинг ҳудудларида жорий килиш, даладан экспортгача бўлган занжирда кодлашган тизимини жорий килиш, маҳсус қадоқлаш цехлари орқали маҳсулотларни тайёрлаш бўйича ўзларининг таклифларини ҳам бериб ўтилар.

Эшиутуда муҳокама этилган масалана юзасидан кўмита ва инспекциянинг ўзаро ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалари белгилаб олинди ва кўмитанинг тақлиф ғарори қабул қилинди.

Хуршид ҚОДИРОВ,  
Ўз мухбири.

## ОҲАНГАРОН ЧОРВАЧИЛИК ҲУДУДИГА АЙЛАНДИ

Оҳангарон туманинаги "Абдураҳим ота" масъулиятни чекланган жамиятида чорвадорлар учун ўқув-амалий семинар ташкил этилди.

Туман ҳокими Абдурасул Абдуллаев, ҳоким ўринбосари Тўлқин Тўраев, туман прокурори Иқболжон Қамбаров, соҳа мутахассислари ҳамда ташкил этилаётган чорвачилик комплекси лойиҳалари эгалари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 октябрдаги "Тошкент вилояти Оҳангарон туманида чорвачиликни ривожлантириш тўғрисида"ги қарори асосида амалга оширилаётган ишларнинг ахволи, иш жараёндаги қамчиликлар ҳақида сўз борди. Ўз вазифасига совуқонлик билан ёндашашётган, ажратилган кредит

маблаглари ҳамда ер майдонларидан унумли фойдаланмаётган лойиҳачиларини фаолияти таънидай таҳлил этилди.

Семинар давомида "Абдураҳим ота" МЧЖК томонидан бажарилган ижобий ишлар намуна тарзида намойиш этилиб, лойиҳачилар комплексда амалга оширилаётган курилиш жараёнлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишиди.

"Абдураҳим ота" МЧЖК томонидан асосан сутчиликка ихтинослашган чорвачилик комплекси барпо этилаётган бўлиб, пойханнинг умумий ҳиймати 63 миллиард сўмдан иборат. Йилига 6000

тонна сут ва 10 тонна гўшт этиширишга мўлжалланган мажмуа фойдаланишга топширилгач, 30 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Лойиҳа учун жами 546 гектар ер майдони ажратилган.

Шунингдек, тадбирда чорвани қишлоғдан беталафот олиб чиқиш, озуқа базасини яратиш ва сифатли озуқа экинларини экиш юзасидан дехончилик соҳаси вакиллари йигилганларга мълумот берилди. Бундан ташкил, экинларни томчилипти суғориш тизимини йўлга кўйиш орқали юкори унумдорликка эришиш бўйича мутахассисларнинг чиқишилари тингланди.

Тошкент вилояти

Мълумот ўрнида таъкидлаш лозимки, ҳукуматимизнинг юқорида қайд этилган қарори асосида Оҳангарон туманида 59 500 бошга мўлжалланган 30 та чорвачилик комплекси қурилиши белгиланган бўлиб, шундан 4 500 бошга мўлжалланган 17 та қорамолчилик лойиҳаси, 15 000 бошга мўлжалланган 13 та кўйичилик лойиҳаси амалга оширилади.

Айни пайтда лойиҳалар доирасида 39 миллиард сўмлик кредитлар ажратилган бўлиб, ҳозирги кунгача 4 968 бош чорва ҳайвонлари келтирилди, шундан 1 049 бош насли қорамол (Нидерландия, Украина) ва 3 919 бош кўй (Киргизистон) олиб келинди.

Ўз мухбиризим.

Сирдарё вилояти

**Боёвутлик Илҳом  
Каримов оддий  
оилада катта  
бўлди. Умумтаълим  
мактабини  
тамомлаган ёш  
йигит 3-4 йил туман  
матлубот жамиятига  
қарашли савдо  
шахобчаларида  
ишлади. Сўнгра  
2010 йилда  
курувчилик касбини  
танлаб тажрибали  
курувчилардан касб  
сирларини пухта  
ўрганди.**



## МЕҲНАТИ УЛКАН КОШОНАЛАРДА НАМОЁН

2012 йилда йирик лойиҳага журъат билан қул уриб, Гулистон шаҳридаги фаолияти бутунлай тўхтаб қолган, ускуналари талон-тарож бўлиб кетган бетон заводини ноль қийматида олиб, уни тиклашга, шу билан бирга турдош ғишт заводини ҳам қуришга астойдил бел боғлади. Кўз кўрқоқ, қўл ботир, деганлари рост экан, таваккалчилик билан бошланган иш тезда самарасини бера бошлади.

Тижорат банкларидан олинган сармоялар қуручининг лойиҳаларини рўёбга чиқаришда жуда кўл келди. Бир йилга етмай харобага айланниб ётган эски бетон заводи ўрнида “Гулистон бетон саноат” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги йирик корхона қад кўтарди. Эътиборли жиҳати, ўтган йиллар ичida заводда катта модернизациялаш ишларининг амалга оширилиши, хорижий давлатлардан замонавий ускуналарнинг келтирилиб, ўрнатилиши натижасида ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари тури 40 тага етказилди. Ҳозир бу ерда ойига 1000 та электр бетон сим устунлари, 1500 та йўлакларга, йўл бўйларига ўрнатиладиган лоток-ариқлар, диаметри 1000-1200 сантиметрлик дюкерлар (кувурлар), шунингдек, уй-жой қурилиши учун хоҳлаган шаклдаги бетон плиталар, ирригация соҳалари учун лотоклар ишлаб чиқарилмоқда. Ўз қурилиш корхонасига, замонавий қурилиш техникаларига эга бўлган қурувчи йирик иншоотларни барпо қилиб, кўзлаган мақсадига эриша олиши мумкин экан. Илҳом Каримов бу борада ҳам омади чопган қурувчи саналади. Унинг йирик қурилиш материаллари ишлаб чиқариш заводи ва қурилиш фирмасида 30 та

замонавий техника бор. Кўтарма крандан тортиб, бульдозер, экскаватор, қурилиш материалларини манзилга етказиб берадиган автомашиналаргача доимо автопаркда шай ҳолда туради. Бу замонавий техникалар қурилиш суръатини ошириш, юксак самарадорликни таъминлашда қуручининг қўш қанотига айланган. Моҳир қурувчи бош бўлган жамоа қурган шинам уй-жойлар, мактаблар, замонавий шифохоналарни кўриб, ҳайратингиз ошади. У қурилишда энг аввало сифатга эътибор беради. Шунинг учун ҳам улар бунёд ётган, уста қурувчилар назаридан қайта-қайта текширишдан ўтган бинолар бўйича ҳали бирорта буюртмачидан эътиroz тушмаган. Президент лойиҳаси бўйича қурилган Мирзаобод туманидаги 60 га яқин шинам уй-жойлар, шаҳардаги қатор турар-жойлар, бизнес маркази биноларини ҳам Илҳом Каримов бошлиқ қурувчилар бунёд этишди. Вилоят ҳокимлиги қошидаги қабуллар саройи, Ҳалима Худойбердиева номидаги она тили ва адабиёти фанларини чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган ижодкорлар мактаби ҳам улар қўлида сайқал топди. Замонавийлик ва миллийлик уйғунлашиб кетган маҳобатли қабуллар саройи, Ҳалима Худойбердиева ижод мак-

табининг гўзаллиги, шинамлигини кўриб қуручининг диди, фантазиясига яна бир бор тан берасиз.

Илҳом Каримов бош бўлган бетон саноат корхонаси ва ғишт заводи, алоҳида автопарк ва қурилиш фирмасида ҳозир 450 киши меҳнат қилмоқда. Яна у тадбиркорлик фаолиятини давом эттириб, Янгиер шаҳридаги ташландиқ майдонда йириклиги жиҳатидан Ўзбекистонда ягона саналган “Пласт Ромса” аква заводини барпо эттаётир. Завод ишга тушса, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида корхоналар, янги иншоотлар бунёд қилаётган қурувчиларни иш билармон замонавий қурилиш материаллари билан таъминлай бошлайди. Асосийси, янги завод ишга тушиши ҳисобига яна 100 нафар янгиерлик, ховослик ва боёвутлик ёшлар янги иш ўринларига эга бўлади.

– Давлатимиз раҳбари ҳар доим тадбиркорларни қўллаб-қуватлаб, бизни доимо ғайрат билан ишлашга руҳлантиримоқда, – дейди Илҳом Каримов. – Биз ҳам Президентимизнинг ишончини оқлаш, давлатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш йўлида бор куч ва билимимизни аямаймиз.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**  
“Qishloq hayoti” мухбири.

**Андижон вилояти**

Деҳқонлар ўртасида "ғўза кун санайди", деган гап кўп бор тилга олинади. Дарҳақиқат ҳар қандай ғўза навининг қанча кунда ҳосил бериши бўйича аниқ муддатлар мавжуд. Демоқчимизки, деҳқонлар ҳосили тарозига қўйилгунга қадар кун ҳисоб-китобини олиб боришади.



## БАРАКА ЁФИЛГАН ҶАЛАЛАР

Жорий йил деҳқончилигида фермерларни шоширирган ёхуд ўйга соглан кунлар биссёроқ бўлди. Чигит униб чиқиб иккى кулоқ бўлганда ниҳолларнинг аксарияти совуқ исканжасида қолди. Кўплаб майдонларга қайтадан чигит экишга тўғри келди. Боз устига қиш ва баҳор давомида ёғин микдори деҳқонни кувонтирмади. Аксига эса сув танқислиги юз бериши ойдинлашдиди, сугоришини "навбат усули"да олиб боришни табиатнинг ўзи тақозо этди.

Анча йиллардан бўён Андижонда бу мавсумдагидек йигим-теримни бошлиш оргта сурилмаётган эди. Вазият боис пахта теримини бошлиш қатор маслаҳатлашувларда сўнг 15-20 сентябр кунларига белгиланди.

Баракасини берса ҳеч гап эмас экан, 18-19 сентябрь кунларида бирин-кетин манзилга етиб келган фермер хўжаликлари номлари тилдан-тилга кўчди. Биринчи бўлиб Избоскан туманидаги "Убайдулла ҳиммати" фермер хўжалигига шартнома режаси ошириб бажарилди. Ҳар гектар ердан 35,7 центнердан ҳосил тайёрланди. Ҳосилнинг 46 тоннаси уруғликка ўтди. Яна 10 кундан сўнг йигим-терим отряди хўжаликга қайтади. Ҳисоб-китоб қилинса, ҳосилдорлик 40 центнернинг устида бўлиши ойдинлашмоқда. Барчаси биринчи нав бўлаётганилиги эса даромаднинг чўғидан далолат, албатта.



Пахтаобод туманидаги Ёдгорбек Ибрагимов раҳбарлик қилаётган "Агроном олим" фермер хўжалигига бир теримда шартнома режаси 119 фоизга бажарилди, ҳосилдорлик 41,3 центнерга тўғри келди. Бу хўжаликда ҳам иккинчи терим пахтаси туриди.

Вилоят пахта штабидан олинган маълумотларга қараганда 22 сентябрь холатига 97 та фермер хўжалигига шартномавий режалар кутилгандан зиёда тарзда адо этилди, уларда қўшимча равиша 530 тоннадан зиёд ҳосил тайёрланган. Зикр этилаган хўжаликларнинг барчасида иккинчи терим пахтаси борлиги мавсумнинг накадар барокатли эканлигидан дарак бермоқда.

Ҳозирга қадар 30 дан ортиқ фермер хўжалигига ҳар гектар ердан 40 центнердан оширилди.

риб ҳосил тайёрланганлигини қўшимча қилсан, андижонлик деҳқонларнинг вазиятдан оқилона фойдаланиб меҳнат қилганликлари ойдинлашмоқда.

Балиқчи туманидаги Бобур номли масивда бўлган чоғимизда суюги деҳқончилика қотган ва ҳозирда ўз маслаҳатлари билан фермерларга суюнчик бўлаётган Абдулҳофиз Паттаевни хурсандчиллик кайфиятида кўрдик. Мазкур масивда ҳеч қачон юз бермаган янгилик содир бўлибди. Равшанбек Омонов раҳбарлик қилаётган "Омонилло даласи" фермер хўжалигига ҳар гектар ердан олинган ҳосил микдори 50 центнердан ортиби. Ер ости сувлари яқин бўлган масивда ғўза нави алмаштирилибди. "Андижон-36" нави фақат "Омонилло даласи" дагина эмас, масивдаги барча фермер хўжаликларида ҳам юкори ҳосил беришга қодир бўлибди. Абдулҳофиз Паттаевнинг сўзларига қараганда масивда натижка юкори бўлади.

Вилоядта 79 минг 391 гектар майдонда гўза парваришланди. Мақсад, ҳар гектар ердан 31,7 центнердан пахта йигиб-териб олиш ва ялпи ҳосил микдорини 251 минг 700 тоннага етказишидди. Йигим-терим суръатининг бориши эса мақсадлар муштараклигини намойиш этातири.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**  
**"Qishloq hayoti" мухабири.**

## СУВЧИ КУНДАЛИГИ

### унинг афзаллиги нимада?

**ВИЛОЯТНИНГ  
ДЕЯРЛИ БАРЧА  
ТУМАНЛАРИДА  
ҒАЛЛА ЭКИШДА  
СУСТКАШЛИККА  
ЙЎҚ ҚЎЙМАСЛИК  
ВА БИРИНЧИ  
СУГОРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ  
МАВЗУСИДА  
СЕМИНАРЛАР  
БЎЛИБ ЎТМОҚДА.**

Худудда бу йил 99 минг 500 гектар ерга бошоқли дон экинлари экиш режалаштирилган бўлиб, бугунгача 20 минг 300 гектар майдонга экилган бугдой униб чиқди. Бундан ташқари, қатор ораларига хозиргача экилган ер майдонлари ҳам 20 минг гектардан ошиди. Туманларда ғалла экиш отрядлари самарали ишлайти. Вилоят галлакорлари октябрь ойи ўрталари-гача барча майдонларга бошоқли дон экинши охирига етказиш учун барча имкониятларни ишга солаптилар.

Сувчилар ғалла ҳосилининг қай даражада бўлиши ўзларига боғлиқ эканлигини яхши билишади. Экилган ерга ўз вақтида сув қўйилмаса, уруғнинг униши амри махол, бундан ташқари,

юзада қолган уруғни қушлардан асраб қолиб ҳам бўлмайди. Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси мутасаддилари туманлар ирригация бўлимларида кузги бошоқли дон экиш ва сугориш ишларини ташкил қилиш, шунингдек, кузги-қишики ишларни ўз вақтида бажариш, канал ва гидропостларни тозалаш ишларини қандай ташкил этиши бўйича ўтказаётган семинарларини якунига етказди. Бешарик туманида бўлиб ўтган ана шундай семинарда туман ирригация бўлими ва сув истеъмолчилиари уюшмаси ишчи-ходимларига бошқа туманларга берилганидек, сувчи кундалиги тарқатилди. Бу кундаликка сувчилар фермер ерга қачон дон эккани, қачон биринчи

сув олингани, ўғитлангани каби муҳим белгиларни қўйиб боради.

– Бунинг афзаллиги шундаки, фермер ва бошқа ерга алоқаси бор кишилар бир-бирларига ёлғон маълумот беролмайди, – дейди ҳавза бошқармаси бўлим бошлиги Фозилжон Расулов. – Масалан, фермер октябрь ойидаги экишини тутгаса-ю, мен сентябрда экканман, ҳозиргача сув беришгани йўқ, дэя ёлғон гапирса, кундалика бу нарса ўзининг аниқ ифодасини топган бўлади. Ёлғон гапиргани учун ўзи изза бўлади...

Барча семинарлар қизиқарли савол-жавоблар асосида бўлиб ўтди.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**  
**Сирдарё-Сўх ИТҲБ  
матбуют котиби.**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲАМДА АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ТЕХНИКУМЛАРНИНГ БЎШ (ВАКАНТ) ДИРЕКТОРЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Андижон вилояти Шаҳриҳон туманидаги Шаҳриҳон агротехнологиялар техникуми; Андижон вилояти Марҳамат туманидаги Марҳамат агротехнологиялар техникуми; Бухоро вилояти Ромитан туманидаги Ромитан агротехнологиялар техникуми; Бухоро вилояти Фиждувон туманидаги Фиждувон агротехнологиялар техникуми; Жиззах вилояти Галлаорол туманидаги Галлаорол агротехнологиялар техникуми;

Навоий вилояти Хатирчи туманидаги Хатирчи агротехнологиялар техникуми; Наманган вилояти Тўракўғон туманидаги Тўракўғон агротехнологиялар техникуми;

Самарқанд вилояти Жомбай туманидаги Жомбай агротехнологиялар техникуми; Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги Сирдарё агротехнологиялар техникуми; Сурхондарё вилояти Бандиҳон туманидаги Қизириқ агротехнологиялар техникуми;

Сурхондарё вилояти Кумкўргон туманидаги Кумкўргон агротехнологиялар техникуми;

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Денов Хазарбог агротехнологиялар техникуми;

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Зангиота агротехнологиялар техникуми;

Тошкент вилояти Бўка туманидаги Бўка агротехнологиялар техникуми;

Хоразм вилояти Урганч туманидаги Урганч агротехнологиялар техникуми.

**Мазкур лавозимларга талабгор номзодлар  
қўйидагиларга эга бўлиши зарур:**

Олий ва профессионал таълим тизимида касбий ва ташкилотчилик қобилиятлари, таълим соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва камидаги 5 йиллик иш стажи, фаoliyati тури ва ваколатлари доирасида тегишили билим ва кўнимкамларга;

**намунаи шахсий фазилатлари:  
интеллект, маданият, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, таш-**

килотчилик, ташаббускорлик ва омилкорлик қобилиятлари, масъулият ҳисси, мустакил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, катъият ва изчиллик, муассаса стратегик мақсадларига эришиши таъминлаш хусусиятлари;

ўкув жараёнда ўқитишнинг илгор шаклларни, шу жумладан масоғадан туриб ўқитиш, янги педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишини ташкил этиш.

Талабгорнинг илмий даражаси ёки илмий унвони мавжуд бўлган тақдирда ушбу номзодга танловда устуворлик берилади.

Танлов учун хужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб ўн кун давомида қабул қилинади.

**Талаб қилинадиган ҳужжатлар:**

Ректор номига ариза; сўровнома; таржима ҳол; тегишили олий маълумоти ҳақида диплом, илмий даража, илмий унвон; илмий ишлар ва ихтиоролар мавжуд бўлган тақдирда, уларни тасдиқловчи дипломлар, аттестатлар нусхалари; малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномалар нусхалари ва илмий ишлар рўйхати.

Танловга тўғридан-тўгри ва онлайн шаклида тушган барча хужжатлар Тошкент давлат аграр университети ҳузурида ташкил этилган Ишчи гуруҳ томонидан кўриб қичилади. Ишчи гуруҳ тавсияси асосида Тошкент давлат аграр университети ректори томонидан Қишлоқ хўжалиги вазирлигига камида уч нафар номзодлар бўйича тақлиф киритилади.

**Ҳужжатлар қўйидаги манзилга топширилади:** 100164, Тошкент вилояти, Қиброй тумани, Университет кўчаси 2-йи. Тошкент давлат аграр университети биш биноси, 2-квават, Тошкент давлат аграр университети Кадрлар бўйлами. Телефон: (71) 260-48-65, электрон манзил kadr@ida.uz телеграмм +998 97-751-81-03

Ҳужжатлар топширишда юзага келадиган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўкув юртлари ва малака ошириш бўлимига (тел. 71-263-13-68, электрон манзил otm@agro.uz, телеграмм +998 90-007-03-80) мурожаат қилинингиз мумкин.

## Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти

ва унинг Қашқадарё филиали ҳамда Галлаорол илмий-тажриба станцияси 2021 ўкув йили  
учун таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc)да ўқиши учун талабгорларнинг  
хужжатларини қабул қилишини эълон қиласди.

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти (Андижон вилоятида) 2021 ўкув йили учун қўйидаги йўналишлар бўйича таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc)да ўқиши учун талабгорларнинг хужжатларини қабул қиласди. (Боғланиш учун тел: (74) 373-12-05, (99) 790-80-04)

**ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА (PhD)га қўйидаги ихтисосликлар бўйича:**

- 06.01.05-Селекция ва ургучилик ихтисослиги бўйича 2 киши;
- 06.01.08-Ўсимлиқшунослик ихтисослиги бўйича 2 киши;

**ДОКТОРАНТУРА (DSc)га қўйидаги ихтисосликлар бўйича:**

- 06.01.05-Ўсимлиқшунослик ихтисослиги бўйича 1 киши;

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Галлаорол илмий-тадқиқот институти (Қашқадарё вилоятида) 2021 ўкув йили учун қўйидаги йўналишлар бўйича таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc)да ўқиши учун талабгорларнинг хужжатларини қабул қиласди. (Боғланиш учун тел: 75-228-00-17, 93-902-23-94)

**ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА (PhD)га қўйидаги ихтисосликлар бўйича:**

- 06.01.05-Селекция ва ургучилик ихтисослиги бўйича 3 киши;
- 06.01.08-Ўсимлиқшунослик ихтисослиги бўйича 3 киши;
- 06.01.09-Ўсимликларни химоя қилиш ихтисослиги бўйича 2 киши;

**ДОКТОРАНТУРА (DSc)га қўйидаги ихтисосликлар бўйича:**

- 06.01.05-Селекция ва ургучилик ихтисослиги бўйича 1 киши;
- 06.01.08-Ўсимлиқшунослик ихтисослиги бўйича 1 киши;

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Галлаорол илмий-тадқиқот институти (Жиззах вилоятида) 2021 ўкув йили учун қўйидаги йўналишлар бўйича таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc)да ўқиши учун талабгорларнинг хужжатларини қабул қиласди. (Боғланиш учун тел: 0372-432-15-33, 94-197-16-27)

**ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА (PhD)га қўйидаги ихтисосликлар бўйича:**

- 06.01.05-Селекция ва ургучилик ихтисослиги бўйича 3 киши;

**ДОКТОРАНТУРА (DSc)га қўйидаги ихтисосликлар бўйича:**

- 06.01.05-Селекция ва ургучилик ихтисослиги бўйича 1 киши;

**А) Таянч докторантурага қўйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:**

- магистр даражасига эга бўлганлар;
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан, илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишили йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъзура

тезисларига эга бўлганлар.

**Диккат!**

Ҳужжатлар Online тарзида phd.mininnovation.uz сайти орқали қабул қилинади.

Таянч докторантурасида ўқишига талабгорлар қўйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаттган талабгорлар учун);
- олий таълим маъссасаси магистратураси диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек уларни нусхалари.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳиблари тегишили ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

**Б) Докторантурага қўйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:**

- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражаси;

- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журнallарда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишили илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларидаги камида иккита тезисга эга бўлиши;

**Диккат!**

Ҳужжатлар Online тарзида phd.mininnovation.uz сайти орқали қабул қилинади.

Таянч докторантурасида ўқишига талабгорлар қўйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаттган талабгорлар учун);
- олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъзуза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг мурассал лойиҳаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларни нусхалари.


Ҳужжатларни Online топшириш 2020 йил 15 октябрчага.

## ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТОМОР҆А ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



## «ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ

Куйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотилишини маълум қилади:



Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-й.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.

e-mail: chzsxt@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Махсулотлар сертификатланган.

**2021 ЙИЛ ДАВОМИДА ТУЯМУЙИН  
ГИДРОУЗЕЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ  
БОШҚАРМАСИНинг ЛОЙИХА, КУЗАТУВ  
ВА ТАЪМИРЛАШ ТАДБИРЛАРИДА  
ҚАТНАШИШНИ ХОҲЛОВЧИ КОРХОНА,  
ТАШКИЛОТЛАР МАХСУС РУХСАТНОМА  
РАСМИЙЛАШТИРИШЛАРИ УЧУН  
БИОМЕТРИК ПАСПОРТГА ЭГА ИШЧИ-  
ХИЗМАТЧИЛАР, МАШИНА-МЕХАНИЗМЛАР,  
МАТЕРИАЛЛАР ВА КЕРАКЛИ АСБОБ  
УСКУНАЛАРНИНГ МИНИМАЛ РЎЙХАТИ  
ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 29.09.2020 ЙИЛИГАЧА  
(ЭЛЕКТРОН ВАРИАНТИ БИЛАН БИРГА)  
ТАҚДИМ ЭТИШЛАРИ МУМКИН.**

Манзил: Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани Питнак шаҳри.  
Мурожаат учун телефон/факс: (0-362) 305-49-06, (62)305-47-79

### АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Мамлакатимизда амалга оширилётган ижтимоий-иқтисодий ишлоҳотлар, хусусан, қишлоқ жойлардаги улкан бунёдкорликлар, одамлар онгу тафаккуридаги ўзгаришлар, қишлоқ ҳаётининг жони манзаралари билан танишиш истагида бўлсангиз,

### “Qishloq hayoti”

#### ГАЗЕТАСИ УЧУН 2021 ЙИЛГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

Бунинг учун обуна ўюнтирувчи ташкилотларга, шунингдек, таҳририятнинг ўзига ҳам мурожаат этишингиз мумкин.

#### НАШРИМИЗ ИНДЕКСИ – 144

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 236-26-50, 233-44-43,  
233-28-04. ФАКС: 233-44-43. E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Тошкент Давлат Университети “Восточный” факультети томонидан 1988 йилда Таджибаев Айбек Касимовига номига берилган РВ №866854, Р №26508 дипломи йўқолгандилиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини илмий маркази жамоаси илмий марказ директори Отабек Сулаймоновга падари бузруквори Абдушукур СУЛАЙМОНОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради

**Qishloq  
hayoti**

**МУАССИЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
таркибидаги ҳамда бошқа  
дахлдор вазирлик ва  
идоралар.

Бош мухаррир:  
Чори ЛАТИПОВ

Хабиб ТЕМИРОВ  
(бош мухаррир  
ўринбосари)

Раимкул СУЯРОВ  
(бош мухаррир  
ўринбосари)

**ТАҲРИР ҲАЙЬАТИ:**  
Жамшид ХЎЖАЕВ,  
Шавкат ҲАМРОЕВ,  
Шуҳрат ТЕШАЕВ,  
Муҳаммаджон  
ТОШБОЛАЕВ,  
Акташ ҲАЙТОВ,  
Ботир СУЛАЙМОНОВ,  
Махмуд ТОИР.

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаба акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.  
Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-й.

Ўзбекистон Матбут ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рекам билан рўйхатдан ўтизилган. Буюртма Г-825, ҳажми 3 босма табоб.

Оғоз усулida босилди, көзоз бичими А-3.  
Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбутчилик кўчаси, 32-й.  
2 387 нусхада чоп этилди. НАШИР ИНДЕКСИ – 144.

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Агарар масалалар бўлими – 236-26-47.  
Хатлар ва жамоатчилар билан алоқалар бўлими – 233-76-78. Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва ёълонлар – 236-26-50, 233-28-04. E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7023



Босиша топшириш вақти: 21.00  
Босиша топширилди: 22.30